



№ 34/07-2

2020 yil - 28 - Aprel

Туман секторлар кесимида шакллантирилган ишсиз ва кам таъминланган аҳолининг рўйхатини кўриб чиқиш, уларга ихтиёрый тарзда тадбиркорларни бириктириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, мухтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ушбу жараёнларда фаол иштирок этган тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар берилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 23 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маҳаллий ҳокимликлар, тегишли вазирликлар ва идораларга аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайиши олдини олиш, мухтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чораларни амалга ошириш юзасидан вазифаларини ижросини Учтепа туманида таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туманда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан шакллантирилган 4508 талик ишсиз ва кам таъминланган аҳолининг тузилган рўйхати юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаеванинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаева томонидан тақдим этилган тумандаги секторлар ва маҳаллалар кесимида шакллантирилган, ишсиз, вақтинча иш даромадини йўқотган, кам таъминланган, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилалар сони 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

3. Туманда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан шакллантирилган ишсиз ва кам таъминланган аҳолига кўрсатилаётган моддий ёрдам етказилишини назорат қилиш ва кўшимча аниқланган эҳтиёжманд оилаларни рўйхатга киритиш бўйича олиб борилаётган ишларда депутатлар назорати ва фаолияти кучайтирилсин;

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужановнинг Туман секторлар кесимида шакллантирилган ишсиз ва кам таъминланган аҳолининг

рўйхатини кўриб чиқиш, уларга ихтиёрий тарзда тадбиркорларни бириктириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, мухтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ушбу жараёнларда фаол иштирок этган тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар берилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш ҳамда махсус комиссия томонидан аниқланган корхоналарни тақдим этиш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин;

5. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги моддий ёрдамнинг марказлашган ҳолда берилиши йўлга қўйилганлиги, уни тизимли бошқариш, жамлаш ва тарқатиш мақсадида туманда АТ Халқ банки Учтепа филиалида “Саховат ва кўмак” жамғармасининг махсус ҳисоб varaқлари очилганлиги инобатга олинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш Учтепа туман қабулхонаси (О.Миртемиров), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиги (О.Камилов), туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Аширматов), тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда: 3 кун муддатда аҳоли бандлигини таъминлаш, мухтож оилаларни қўллаб-қувватлаш жараёнларида фаол иштирок этган тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар берилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар йул харитасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-кизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқоролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари
туман Кенгаши раиси**



Ф.Абдуллаев



№ 35/09-2

2020 йил 23 - апрел

Муниципал активларни бошқариш маркази туман бўлини маси
2019 йил ўтган давридаги ва 2020 йил 1-чорак давомидаги
фаолияти тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман турар жойлар бўйича туманлар билан ишлаш бўлими раҳбари
Б.Сағатовнинг Муниципал активларни бошқариш маркази туман бўлини маси
2019 йил ўтган давридаги ва 2020 йил 1-чорак давомидаги фаолияти
тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман турар жойлар бўйича туманлар билан ишлаш бўлими раҳбари
Б.Сағатовнинг Муниципал активларни бошқариш маркази туман бўлини маси
2019 йил ўтган давридаги ва 2020 йил 1-чорак давомидаги фаолияти
тўғрисидаги ҳисоботи “қоникарсиз” деб топилсин, навбатдаги сессия кун
тартибига бўлимнинг иш фаолияти жонлантирилиб, қайта тақдим этилсин.

3. Уй-жой ҳудудий комиссияси фаолиятини шаффофлигини таъминлаш
мақсадида, депутатлар ўз округидаги фуқароларининг уй-жой ҳудудий
комиссия жарёнида иштирок этсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман
Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-
қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик
жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари
бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
раиси

Ф.Абдуллаев



№ 36/07-2

20 20 yil " 28 " Oquvda

Туман давлат солиқ инспекциясининг туман маҳаллий бюджетлар даромадлари бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида

“Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 26 июндаги ПК-3802-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Р.Аширматов)нинг туман маҳаллий бюджетлар даромадлари бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг маҳаллий бюджетлар даромадлари бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ қарзини қискартириш тўғрисида ҳисоботлари халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ҳар чоракда тинглаб борилиши белгилаб қўйилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши раиси

Ф.Абдуллаев



№ 36/01

20 20 ун - 1 - май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 30 апрелдаги 01-22/678-сонли хати асосида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари ва туман ҳокимлиги мутахассисларидан иборат таркибда вақтинча фаолият олиб борадиган штаб ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 30 апрелдаги 01-22/678-сон топшириқ хати ҳамда халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг 2020 йил 28 апрелдаги 34/07-2-сон қарори ижросини таъминлаш ва тумандан сайланган Тошкент шаҳар халқ депутатлари ва туман Кенгашлари депутатларининг фаол бўлишлари, айниқса, “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ишларни мунтазам назорат қилишлари, манзиллилиги ва очиқ-ошқоралигини таъминлашлари мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 30 апрелдаги 01-22/678-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 30 апрелдаги 01-22/678-сонли хати асосида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари (кейинги ўринларда Кенгаш депутатлари деб юритилади) ва туман ҳокимлиги мутахассисларидан иборат таркибда вақтинча фаолият олиб боровчи штаб ва (кейинги ўринларда Штаб деб юритилади) ташкил этилсин.
3. Штаб аъзолари таркиби (жами 9 нафар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Штабнинг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:
штаб томонидан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши сессияларида (кейинги ўринларда Кенгаш сессиялари деб юритилади) тасдиқланган чоратдбирлар ижроси ҳамда ушбу йўналишда жойларда олиб борилаётган ишларнинг ташкил этилишини ва мувофиқлаштириб борилишини йўлга қуйиш;

Кенгаш депутатлари томонидан ўзлари сайланган округлар ҳудуди доирасида шакллантирилган эхтиёжманд хонадонлар рўйхати асосида манзилли ёрдам кўрсатилаётганлигини кундалик назорат қилиб бориш;

Кенгаш депутатлари томонидан маҳаллаларни ўрганиш ва аҳоли билан мулоқот жараёнида ҳақиқатда ёрдамга муҳтож, аммо шакллантирилган рўйхатга киритилмаган хонадонларни аниқлаб, уларга саҳоват ёрдами берилишига амалий ёрдам кўрсатиш;

Кенгаш депутатлари томонидан жойига чиққан ҳолда, тарқатилаётган озик-овкат маҳсулотлари сифатини, бошқа ёрдам турлари (корамол, қўй, парранда, қуён, иссиқхона ва бошқа) берилганлигини ва уларнинг ҳолатини, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланганлигини ўрганиш;

Кенгаш сессияларида ушбу умумхалқ ҳаракати доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси юзасидан Кенгаш депутатлари, сектор раҳбарлари, масъул идора ва ташкилотлар вакилларининг ҳисоботлари эшитиб борилишини ва тегишли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш;

Кенгаш депутатлари томонидан маҳалла фаоллари билан биргаликда аҳоли ўртасида умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиши бўйича маълумотларни умумлаштириш ва мувофиқлаштириш вазибалари юклатилсин.

5. Кенгаш депутатлари томонидан юқоридаги чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича **кундалик маълумотларни Штабга** тақдим этиб борилсин.

6. “Саҳоват ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги моддий ёрдамнинг ижросини аниқ ва равшан таъминлаш ҳамда штабга чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича қўшимча маълумотларни етказиш Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов, Туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаева зиммасига юклатилсин.

7. Амалга оширилган ишлар ижроси юзасидан Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева раҳбарлигида туман Кенгаши депутатлари, Штаб аъзолари иштирокида онлайн тарзда ўтказиладиган видеомулоқот (*ўтказиш вақти бўйича қўшимча хабар берилади*) давомида Штаб аъзолари, сенаторлар, Кенгаш депутатларининг ҳисоботлари эшитиб борилсин.

8. **Жорий йилнинг 4 майга қадар** Учтепа туманида амалга оширилган ишлар тўғрисида иловадаги жадвал асосида ҳамда тасдиқланган Штаб таркиби бўйича Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот тақдим этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши доимий комиссиялари, Кенгаш депутатлари ва туман ҳокимлиги мутахассисларидан иборат таркибда вақтинча фаолият олиб борадиган штаб (С.Имамов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши раиси**



Ф.Абдуллаев